Замоннинг оинаи жахоннамоси бўлган жарида, мажалла ва тарих сахифаларини диккат ила мутолаа этсак кўрарамизким, ўзга кавм ва миллатлар илм ва хунар хосияти ила оз бир замонда бутун жахонни тасхир этдилар. Мусулмон хукмдорлари (ўзларининг замон иктизосинча харакат килмагонлари учун) асир ва нобуд бўлдилар. Оврупоийлар хозирда билган илмларига каноат килмай гайрат ва химматлари соясида кундан-кун яна тараккий этмокцадирлар. Ўзларининг рохат ва осойишлари учун на кадар олот ва асбоб ихтиро килганларидек, ўз нафсларини душмандин мухофаза килмок учун турли олоти харбия ижод этмакдадурларким, аларнинг орасида ояндага энг мухими - айруплан - тайёра деган балои осмоний бўлса керак. Агарда яна 5-10 йил ўлмасак кўрармизким: оврупоийлар душман ила хавода уруша бошларлар. Эмди ўзимизнинг ахволимизга бир йўла кўз солиб карасак: Куръони хикмат баёнимизнинг алфозини аъмоларнинг кўнглида махфуз кўрармиз. Маориф нуктаи назаридан карасак, Зайд ила Амрнинг уруши ва эски юнонийдардин колма хилофи исломият сафсаталардек нимарсаларни кўриб камоли хузн ва йаъс ила айтармизким: «Ох!.. Таассуфлик холатдамиз».

«Ойна» журнали, 1914 йил, 29-сон